



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRLIGI

MINISTRY OF DIGITAL TECHNOLOGIES  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

МИНИСТЕРСТВО ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100164, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Ibrohim Mo'minov ko'chasi, 4-uy Tel: (+998) 71-238-41-07, 71-238-43-63, Fax: (+998) 71-238-41-74 info@digital.uz, www.digital.uz, digital@exat.uz

2025-y. « 16 » iyul

27-8/4979

«        »                  2025 г.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси сенатори  
К. Турсуновга**

**Хурматли Кобул Бекназарович,**

Рақамли технологиялар вазирлиги Сизнинг 2025 йил 8 июлдаги 05-13/19-сон сўровингизга жавобан Ўзбекистонда мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш тизимини жорий этиш ва уни янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган юзасидан маълумотларни иловага мувофиқ тақдим этмоқда.

Илова: 9 варагда.

**Вазир**



**Ш. Шерматов**

71-238-41-91

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатори К.Турсуновнинг  
2025 йил 8 июлдаги 05-13/19-сонли Сенатор сўровида кўрсатиб  
ўтилган масалалар юзасидан**  
**МАЪЛУМОТ**

**I. Норматив-ҳуқуқий асослар**

**1. Божхона тўловлари йўналишида:**

**1.1.** Ўзбекистон Республикаси **Божхона кодексининг** 289-моддасида: товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда **божхона тўловлари ундирилиши**;

божхона божларининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

**1.2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2019 йил 11 ноябрдаги** “Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” **ПҚ-4508-сон** қарорига асосан жисмоний шахслар томонидан республикага олиб киришнинг чекланган меъёрларидан ортган тақдирда, товарларнинг барча тоифалари бўйича божхона қийматидан келиб чиқсан ҳолда, чекланган меъёрлардан ортиқ қисмига **30 фоиз** ягона божхона тўлови ундирилиши белгиланган.

**1.3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим турдаги товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” **2025 йил 19 апрелдаги 244-сон** қарорига асосан **2025 йил 1 майдан** эътиборан жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжи учун нотижорат мақсадларида республикага олиб кириладиган товарларнинг **божсиз олиб кириш нормалари** қўйидагича белгиланган:

ҳаво транспортида – 1000 АҚШ доллари;

темир йўл ва дарё транспортида – 500 АҚШ доллари;

автомобиль (пиёда) ўtkазиш пунктлари орқали – 300 АҚШ доллари.

**2. Мобил қурилмаларнинг IMEI кодларини рўйхатга олиш тизимини жорий этиш йўналишида:**

**2.1.** Ўзбекистон Республикасининг “**Телекоммуникациялар тўғрисида**”ги Қонуни 29-моддасига мувофиқ фойдаланувчилар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик сертификатига эга бўлган, **халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўtkазилган** мобил қурилмалардан фойдаланиши шартлиги белгилаб қўйилган.

**2.2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мобил қурилмаларни ҳисобга олиш тизимини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 22 октябрдаги 847-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикасида мобил қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари асосида рўйхатга олиш бўйича тизим (кейинги ўринларда – Тизим) жорий қилинганд. Бунда, мазкур тизимни жорий этиш ҳисобига қурилмаларни ҳисобга олиш туттилган:

мобил қурилмалардаги ўзига хос идентификация кодлари тўғрилигини текшириш орқали уларнинг мулқдорлари (эгалари) ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

мобил қурилмалардан уларнинг мулқдорларини (эгаларини) огоҳлантирмасдан ноқонуний ва рухсатсиз фойдаланишга йўл қўймаслик;

халқаро стандартларга мос келмайдиган сифатсиз мобил қурилмалар сотилишининг олдини олиш.

Шу билан бирга, мазкур қарорга асосан “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК **Тизим оператори** этиб белгиланган.

**2.3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 778-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида” Низом (кейинги ўринларда – Низом) тасдиқланган.

#### **Мазкур Низомнинг:**

**6-банди** билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган, республика ҳудудида ишлаб чиқарилаётган ва фойдаланилаётган **мобил қурилмаларни рўйхатдан ўтказиш мажбурийлиги белгиланган**;

шу билан бирга, мазкур бандда қурилмаларни ҳисобга олиш туттилган:

**мобил қурилмалар** – **мобил алоқа модулига эга бўлган** мобил телефонлар, қурилмалар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари;

**мобил қурилмаларни рўйхатга олиш** – мобил қурилмаларни IMEI-кодларини Тизим оператори IMEI-кодларининг маълумотлар базасига киритиш;

**6<sup>1</sup>-бандига** мувофиқ республикамиз ҳудудида мобил қурилмалар чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари мобил қурилмаларни республика ҳудудига олиб кириш санасидан қатъий назар, уларни **рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар** бўлиши белгиланган;

**14-банди** билан импорт қилувчилар томонидан олиб кирилган қурилмалар “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилмагунча, мазкур қурилмаларни IMEI кодлари **Тизимда рўйхатдан ўтказилишига йўл қўйилмаслиги** белгиланган;

**29<sup>1</sup>-бандига** мувофиқ жисмоний шахслар томонидан мобил қурилмаларни олиб киришда божхона тўловлари ундирилмайдиган чекланган меъёрларидан қатъи назар, декларация тўлдирилиши кўрсатиб ўтилган;

**6-иловасига** мувофиқ мобил қурилмаларнинг **IMEI-кодларини рўйхатга олиш учун тўлов миқдорлари** тасдиқланган.

## II. Халқаро илғор тажриба

**IMEI (International Mobile Equipment Identifier - GSM/UMTS/LTE стандартидаги мобил алоқа операторини идентификацияловчи серия рақамини ўз ичига олади)** халқаро ўзига хос идентификация кодларини рўйхатга олиш GSMA халқаро ташкилоти томонидан йўлга қўйилган.

**Маълумот учун: 750 га яқин мобил алоқа операторлари аъзо бўлган GSMA (Global System for Mobile Communication Association) – Мобил Алоқалар Асоцацияси Глобал Тизимига мамлакатимиздаги мобил алоқа операторлари ҳам 1996 йилдан аъзо ҳисобланади.**

Мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш тизими **Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирлиги, Хитой, Туркия, Сингапур, Ҳиндистон, Индонезия, Озарбайжон, Қозоғистон, Тоҷикистон, Қирғизистон** каби **50** дан ортиқ давлатларда ҳам жорий этилган бўлиб, самарали ишлаб келмоқда.

## III. Мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш бўйича яратилган қулайликлар

Жисмоний шахсларга ўзларига тегишли бўлган мобил қурилмаларини Тизимда **онлайн тарзда** ([www.uzimei.uz](http://www.uzimei.uz), [my.gov.uz](http://my.gov.uz), Birda мобил иловаси) рўйхатдан ўтказиши учун имкониятлари яратилган.

Шу билан бирга, қуидаги рўйхатга олувчиларга **ташриф буюрган ҳолда** мобил қурилмаларнинг IMEI кодларини рўйхатдан ўтказиши мумкин:

- Тизим операторининг хизмат кўрсатиш марказлари;
- мобил алоқа компаниялари (Ucell, Mobiuz, Uzmobile);
- “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг барча шаҳар ва туманларидағи почта алоқа бўлимлари;

“Modern Capital Industries” МЧЖ, “Lan Systems Techno” МЧЖ, “Millenium Networks” МЧЖ, “Abdurasul mobile phone” МЧЖ, “The Infinity Service Pro” МЧЖ, “Sajda Service Aloqa” МЧЖ, YaTT “Tolibjonov Bekzod”.

Мазкур Тизим рўйхатга олувчиларининг “Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти” ҳудудида, республикамиз ҳудудига кириб келишдаги божхона постлари ҳамда барча шаҳар ва туманларида жами **300 дан ортиқ** хизмат кўрсатиш пунктлари ташкил этилган.

Шу билан бирга, IMEI-кодларини рўйхатга олишда **ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш** мақсадида қўйидагилар йўлга қўйилган:

жисмоний шахсга тегишли абонент рақамини мобил алоқа операторлари орқали автоматлаштирилган солиштиришни амалга ошириш учун **тизимлар ўзаро интеграция қилинган**;

жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини кесиб ўтганлиги ҳолатини **онлайн аниқлаш** ҳамда шахсни биометрик идентификациялаш юзасидан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги ахборот тизими билан **ахборот алмашинуви йўлга қўйилган**;

жисмоний шахсга тегишли мобил қурилманинг божхона расмийлаштирувидан ўтказилганлиги (божхона юк декларацияси, йўловчи божхона декларацияси, божхона кирим ордери, куръерлик жўнатмалари) тўғрисида Божхона қўмитаси билан ўзаро **электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилган**;

жисмоний шахсга тегишли мобил қурилманинг почта жўнатмалари орқали кириб келганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни онлайн режимда олиш мақсадида “Ўзбекистон почтаси” АЖ билан **ўзаро маълумот алмашинуви йўлга қўйилган**;

Чет эл фуқаролари (норезидентлар) ўзларига тегишли мобил қурилмаларни рўйхатдан ўтказганлик учун тўловни **VISA, Unionpay карталари орқали** амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, аҳолига тезкор маълумотлар етказиш мақсадида Тизим оператори томонидан **“24/7 режими”** да қўнғироқларга хизмат кўрсатиш маркази (**1170**) фаолият юритиб келмоқда.

#### **IV. Мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш заруриятини кенг тарғиб қилиш**

IMEI-кодларини рўйхатга олиш зарурияти ва афзалликлари оммавий ахборот воситалари ва бошқа ахборот манбалари орқали кенг тарғиб қилинмоқда. Жумладан:

Ўзбекистон миллий телеканаллари орқали мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказишнинг асосий тартиб-тамойиллари ёритиб борилмоқда;

барча чегара постларида жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган мобил қурилмаларни декларациялаш юзасидан ахборот экранлари ўрнатилган;

ҳаво йўллари орқали кириб келаётган йўловчиларни огоҳлантириш мақсадида олиб кирилаётган мобил қурилмаларни декларациялаш юзасидан овозли хабар бериш тизими, электрон ахборот таблолари орқали маълумот бериш, шу жумладан видеороликлар узатилиши йўлга қўйилган;

расмий веб-сайт ҳамда ижтимоий тармоқларда мобил қурилмалар IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш борасида қонунчиликдаги ўзгариш ва янгиликлар мунтазам равишда ёритиб борилмоқда.

#### **IV. Мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш тизимини жорий этиш ҳисобига эришилган натижалар**

Республикамизда рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш, аҳолининг рақамли кўникмаларини ошириш, давлат хизматлари ва электрон тижоратдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бир қаторда мамлакатимизда халқаро стандартларга мос мобил қурилмалардан фойдаланишини таъминлаш ва уларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли ички бозорда контрафакт маҳсулотлар айланишига қарши тегишли чораларни кўриш, телекоммуникация бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда товарларни норасмий импортдан расмий импортга ўтказиш орқали давлат бюджетига қўшимча тушумларни таъминлаш юзасидан тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда.

##### **Мазкур тизим жорий этилиши натижасида:**

- мобил қурилмаларни аниқлаш;
- сифатли алоқа хизматини таъминлаш;
- мобил алоқа воситаларини ўғирланиши ва йўқолиши билан боғлиқ жиноятларни камайтириш;
- контрафакт қурилмалар савдосига чек қўйиш;
- сиёсий, ижтимоий ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чораларнинг самарадорлигини оширишга замин яратилмоқда.

##### **1. Тизимни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги**

Тизим жорий этилиши натижасида 2019 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистонга расмий олиб кирилаётган мобил алоқа қурилмалари сони, рўйхатдан ўтказилган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодлари сони, уларни олиб киришда тўланган божхона тўловлари ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Жумладан:

Ўзбекистонга расмий олиб кирилаётган мобил алоқа қурилмалари сони 2019 йилда **575,8 мингта** ташкил этган бўлса 2024 йилда **3 572,9 мингта**га етказилиб, **6,2 баробарга** ошди;

**Маълумот учун:** 2019 йилда **575,8 мингта**, 2020 йилда **1 316,5 мингта**, 2021 йилда **2 974,1 мингта**, 2022 йилда **2 900,2 мингта**, 2023 йилда **3 382,3 мингта**, 2024 йилда **3 572,9 мингта**, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида **2 014,7 мингта**.

рўйхатдан ўтказилган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодлари сони 2019 йилда **1 618 мингта**ни ташкил этган бўлса, 2024 йилда **8 446,5 мингтага** етказилиб, **5,2 баробарга** ошди;

**Маълумот учун:** 2019 йилда **1618,6 мингта**, 2020 йилда **5165,2 мингта**, 2021 йилда **5921,4 мингта**, 2022 йилда **7192,5 мингта**, 2023 йилда **7673,0 мингта**, 2024 йилда **8446,5 мингта**, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида **3446,1 мингта**.

Республикамизга олиб кирилган мобил қурилмаларнинг **80 фоизи** расмий импорт қилувчилар ҳиссасига ва **20 фоизи** жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади. Ўтган йилда мазкур кўрсаткичлар мос равишда **60 фоиз** ва **40 фоизни** ташкил этиб, олиб кирилаётган мобил қурилмалар сони **расмий импорт қилувчилар сони кўпайиши ҳисобига ошмоқда**;

Жумладан, 2020 йилда мобил қурилмаларни импорт қилувчилар сони **105 тани** ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб уларнинг сони **196 тага** этиб, деярли **2 баробарга** ошди ҳамда мобил қурилмаларнинг норасмий импорти кескин қисқаришига эришилди;

бўнинг натижасида, мобил қурилмаларни олиб киришда **тўланган божхона тўловлари** ҳажми 2019 йилда **37,5 млрд сўмни** ташкил этган бўлса, 2024 йилда тўланган божхона тўловлари **621,2 млрд сўмга** етказилиб, **16,6 баробарга** ошди.

**Маълумот учун:** 2019 йилда **37,5 млрд сўм**, 2020 йилда **265,6 млрд сўм**, 2021 йилда **467,8 млрд сўм**, 2022 йилда **473,3 млрд сўм**, 2023 йилда **513,6 млрд сўм**, 2024 йилда **621,2 млрд сўм**, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида **429,4 млрд сўм** (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш **1,5 баробар**).

Шунингдек, мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш масалалари юзасидан Рақамли технологиялар вазирлигига 2021 йилда **1 028 та** мурожаатлар келиб тушган бўлса, 2024 йилда мурожаатлар сони **95 тани** ташкил этиб, деярли **11 баробарга** камайган.

## 2. Тизимни тезкор-қидирув тадбирларида кенг қўллаш

Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда (сўровга мувофиқ) ўғирланган, йўқотилган ва жиноий фаолият билан боғлиқ мобил жами **86,5 мингта** қурилмаларнинг:

**20,3 мингтаси** Тизимда “Қора рўйхат”га киритилган (блокланган);

**18,8 мингтаси** Тизимда “Қора рўйхат”дан чиқарилган;

**47,4 мингтаси** Тизимда мониторингга қўйилган.

Тизимда газ ҳисоблагичлар модулларининг IMEI-кодларини клонланганлик ҳолати ўрганилганда, **2025 йил** апрель ойи ҳолатига **154 та** IMEI-кодлар жами **298 мингта** мобил қурилмага **клонланганлиги** аниқланиб, “Қора рўйхат”га киритилди.

Шунингдек, Тизимда клонланганлиги аниқланган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодлари тўғрисида маълумотлар Ички ишлар вазирлигига ҳар ойда бериб борилиши йўлга қўйилган.

**V. Мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш тизимини жорий этилиши натижасида бошқа лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ-381-сон** қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг **2025 йил 18 апрелдаги 241-сон** қарори ижросини таъминлаш ҳамда келгусида Тизимни янада такомиллаштириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида Марказий банк билан ҳамкорликда SIM-карта, мобил қурилманинг IMEI-коди, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда **“Мобил алоқа даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими”** ишлаб чиқилди.

Мазкур тизим Ўзбекистон Республикасида мавжуд IMEI-кодлар базаси маълумотларидан бевосита фойдаланган ҳолда иш юритади.

Ушбу тизим тижорат банклари, тўлов тизимлари ва тўлов ташкилотлари мобил иловаларидағи фойдаланувчиларни ташқи фирибгарлик ҳаракатларидан ҳимоя қилиш, тўлов ташкилотлари мижозлари маблағларини фирибгарликдан келиб чиқсан йўқотишларни камайтириш ҳамда фирибгарлик ва кибержиноятчилик билан боғлиқ ҳодисаларни тергов қилишни соддалаштиришга қаратилган.

Тизимда **80 тага** яқин банк ва тўлов ташкилотларининг тест синовларидан ўтказилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда **19 та** банк ва тўлов ташкилотларининг тест синовларидан тўлиқ ўтказилди. Шартнома тузилган банклардан бири “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг мобил иловасида тизим ишлашининг дастлабки 15 куни давомида банк мижозлари тўлов тизимларига ўзгаларни **2 000 дан ортиқ** ноқонуний аралашуви аниқланиб, бартараф этилган.

Мазкур SIM-карта, мобил қурилманинг IMEI-коди ва қўшимча маълумотлардан фойдаланадиган **“Мобил алоқа даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими”** бир қатор халқаро нуфузли тадбирларда тақдим қилинган, жумладан, GITEX Asia **2025 Singapore**, GISEC Global **2025 Dubai**, GSMA **360 Tashkent**.

Тизим асосан хорижий ахборот технологиялари соҳасида ва бошқарув лавозимларда ишлайдиган мутахассисларга тақдим этилиб, тақдимотни кўрган барча мутахассислар Тизимнинг ўзига хослигини таъкидлаб, унга катта қизиқиш билдирган ва уни ўзларининг давлатларига жорий қилиш истагини билдирган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил июль ойида **Озарбайжон Республикасига** бўлган Давлат ташрифи доирасида Мобил қурилмаларни клонлаштиришни олдини олиш, йўқотилган, ўғирланган ва жиноий фаолият билан боғлиқ мобил қурилмалар йўналишида олиб борилаётган ишлар тажрибасини Озарбайжон Республикасида қўллаш бўйича икки давлат ўртасида Ҳукуматлараро битим имзоланди.

Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида ҳозирда қўшни Қозоғистон ҳамда Тожикистон Республикалари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Бу эса ўз ўрнида клонлаштирилган, ўғирланган ёки жиноий фаолият билан боғлиқ мобил қурилмалар тўғрисидаги маълумотлар билан ўзаро алмашиниши ва жиноятчиликнинг маълум микдорда камайишига хизмат қиласди.

## **VI. Сенатор сўровида кўтарилилган ўтилган масалаларни кўриб чиқиши натижалари**

**1.** Жисмоний шахслар томонидан декларация тўлдирмаган ҳолда мобил қурилмаларни олиб киришда қўшимча тўловлар IMEI-кодларини рўйхатга олиш учун тўлов ҳисобига эмас, балки қўшимча божхона тўловлари ундирилиши ҳисобига вужудга келмоқда;

**2.** [uzimei.uz](http://uzimei.uz), [my.gov.uz](http://my.gov.uz) сайatlари ҳамда “BIRDA” мобил иловаси орқали мобил қурилмаларни рўйхатдан ўтказишда вужудга келадиган техник муаммолар тезкорлик билан бартараф этилган ҳолда уларнинг барқарор ишлаши учун барча зарур чоралар кўриб келинмоқда;

**3.** Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мобил қурилмаларнинг барча IMEI-кодлари рўйхатдан ўтказилиши зарур;

**4.** Келгусида мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш тизимини янада такомиллаштириш, аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, мобил қурилмани рўйхатдан ўтказишдаги мавжуд бюрократик талабларни янада юмшатиш юзасидан зарур чоралар кўрилиб, уларни тизимли равишда давом эттириш бўйича вазифалар белгилаб олинган.

**Мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш тизими  
жорий этилиши натижасида эришилган**

**НАТИЖАЛАР**

T/p	Кўрсаткич номи	2018 йил	2024 йил	Ўзгариши
1.	Расмий олиб кирилган мобил қурилмалар сони, мингта	13,5	3 572,9	265 баробар
2.	Тўланган божхона тўловлари, млрд сўм	5,1	621,2	121 баробар
3.	Олиб кирилган мобил қурилмалар таркибида			
3.1.	жисмоний шахслар улуши	60 фоиз	20 фоиз	- 40 фоиз
3.2.	юридик шахслар улуши	40 фоиз	80 фоиз	+ 40 фоиз